

Тавозе



07:00 / 26.01.2019 4247

Ҳасан Басрий айтадилар: «Бир куни Абдуллоҳ ибн Муборак билан бирга кетаётган эдик. Сув ичадиган жойга келсак, одамлар тўпланиб, сув ичишаётган экан. Абдуллоҳ ҳам сув ичмоқчи бўлиб яқинлашган эди, одамлар уни танитай, туртиб, четга суриб ташлашди. У тўдадан бир амаллаб чиқиб олгач, менга: «Ҳаёт шунақа-да, танилмасак, ҳурмат қилишмайди», деди.

Яна бир куни Кўфада эдик. Бир киши Абдуллоҳга «Ибодатлар китоби»ни ўқиб берар эди. Ўқиб берувчи бир ҳадисга етиб келиб, «Буни Абдуллоҳ ривоят қилган, мана шунга кўра фатво оламиз», деган жойни ўқиди. Абдуллоҳ: «Менинг бу гапимни ким ёзди?», деди. Ўқиб берувчи: «Бу китобни ёзган котиб ёзган-да», деди. Абдуллоҳ уни қўли билан тирнаб, ўша ёзувни ўчириб ташлади-да, «Мен ким бўлибманки, менинг гапимни ёзишади?», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан